

Oriental Journal of Education



CHINA'S FOREIGN POLICY IN CENTRAL ASIA

Nomonkhan I. Meliev

Doctoral student

Tashkent Institute of Chemical Technologies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: nomonkhonmeliyev@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: China, Central Asia, media, Kazakhstan, Tajikistan, Kyrgyzstan, Turkmenistan, CCTV+, DoubleThink Lab

Received: 20.04.24

Accepted: 22.04.24

Published: 24.04.24

Abstract: Our region has always attracted foreign forces with its geographical location, socio-economic potential and material resources. For this reason, the world's leading powers are always trying to conquer and influence this country. Even today this trend has not lost its relevance. In general, relations between China and the region are entering a new stage of institutionalization. It can be noted that this stage takes place against the background of existing experience and values.

ХИТОЙНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТАШҚИ СИЁСАТИ

Нўмонхон И. Мелиев

Докторант

Тошкент кимё технологиялар институти

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: nomonxonmeliyev@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Хитой, Марказий Осиё, ОАВ, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, CCTV+, DoubleThink Lab

Аннотация: Минтақамиз ўзининг географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва моддий ресурслари билан ташқи кучларни доимо ўзига жалб қилиб келади. Шу сабабли дунёнинг етакчи кучлари доимо бу ўлкани забт этишга, таъсир кўрсатишга интилиб келишади. Бугунги кунда ҳам бу тенденция ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Умуман олганда Хитой ва минтақа ўртасидаги муносабатлар янги босқичга институционаллашув босқичга чиқмоқда. Шу билан бирга бу босқич мавжуд тажрибалар ва кадриятлар фонида кечаётганлигини қайд этиш мумкин.

ВНЕШНЯЯ ПОЛИТИКА КИТАЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**Номонхан И. Мелиев**

Докторант

Ташкентский институт химических технологий

Ташкент, Узбекистан

E-mail: nomonkhonmeliev@gmail.com**О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Китай, Центральная Азия, СМИ, Казахстан, Таджикистан, Кыргызстан, Туркменистан, CCTV+, DoubleThink Lab

Аннотация: Наш регион всегда привлекал иностранные силы своим географическим положением, социально-экономическим потенциалом и материальными ресурсами. По этой причине ведущие мировые державы всегда пытаются завоевать и повлиять на эту страну. Даже сегодня эта тенденция не потеряла своей актуальности. В целом отношения Китая и региона выходят на новый этап институционализации. При этом можно отметить, что этот этап проходит на фоне уже имеющегося опыта и ценностей.

КИРИШ

Минтақамиз ўзининг географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва моддий ресурслари билан ташқи кучларни доимо ўзига жалб қилиб келади. Шу сабабли дунёнинг етакчи кучлари доимо бу ўлкани забт этишга, таъсир кўрсатишга интилиб келишади. Бугунги кунда ҳам бу тенденция ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Айни пайтда Марказий Осиёда қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилиқ ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.

Дунёнинг етакчи кучлари, ҳаттоки, етакчиликка даъвогарлар ҳам бу ҳудудда ўз таъсир доирасига эга бўлишга интилмоқда. Минтақавий ҳамкорлик жараёнларига нисбатан ҳам уларнинг сезиларли таъсирлари ва ўзига хос сиёсатлари шаклланди.

АСОСИЙ ҚИСИМ

Кейинги йилларда Хитой минтақа давлатлари билан ҳамкорликни янги босқичга яъни институционал миқёсда ёндашувга эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб Хитой ва минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари ташкил этилади. Ҳозиргача бундай учрашув 4 марта ўтказилди. 2023 йил 18-19 май кунлари илк бор Хитой + МО давлат раҳбарларининг Саммити ташкил этилди. Саммитда минтақа давлат раҳбарларининг барчаси иштирок этди. 2023 йил 16 май куни Хитой масмедия ташаббуси билан “Хитой + МО ОАВ лари” мавзусида анжуман ташкил этилди. Унда Хитой медиа корпорацияси 3 масалани:

- ОАВ давлат раҳбарлари белгилаб берган курсга амал қилиши ва уни тарғиб қилиши (конфуцияча таълимот);

- ҳамкорлик заруриятини модернизация фонида аудиторияга етказиб бериш;

-ОАВ ўртасида ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлашни илгари сурди.

Шунга қарамай ўтган кунлардаги учрашувлар ва келишувларни қолаверса умумий жараёни кузатиб таҳлил қилиб қайд этиш керакки, умумий тенденция яъни икки томонлама ҳамкорликка урғу бериш, ҳар бир давлат билан ўзига хос тарзда ёндашиш устиворлиги сезилмоқда. Масалан, давлат раҳбарларининг тадбирдан икки кун (Қирғизистон) ёки бир кун олдин (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон) Хитойга ташриф буюриб икки томонлама учрашувларни ташкил этганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Хитойнинг минтақадаги фаолияти ҳақида қайд этиш керакки, кейинги вақтларда у минтақа иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритган давлатдир. Кейинги йил ичида у минтақага 15 млрд долларга яқин инвестиция киритган. Бу асосан, энергия ресурсларини қазиб олиш ва етказиш, коммуникация тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган. Хитой иқтисодиёти ривож учун тўсқинлик қилувчи омил – хом ашё тақчиллиги ҳисобланади. Хитой дунё нефтининг 7,4 % ни, кўмирнинг 31% ини, темир рудасининг 37% ини, цементнинг 40% ини истеъмол қилади. Бу ресурслар минтақада етарли. Қолаверса, минтақа билан қўшнилик, транспорт инфратузилмасини ривожланганлиги, Африкадаги беқарорлик, Россия-Украина уруши Хитойни минтақа билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга ундамоқда.

Савдо, коммуникация тизими ва энергия ресурсларини қазиб олиш ривожланиши минтақавий ҳамкорликка хизмат қилади. Шу билан бирга, Хитойнинг минтақамиз учун хавfli бир жиҳати, уларнинг минтақага миграцияси ҳисобланади. Ҳамкорлик алоқалари кучайган сайин бундай миграцияга имконият кенгайди. Минтақа давлатлари Тожикистон ва Қирғизистонда бундай хавф тобора кучаймоқда. Масалан, Қозоғистон ҳукумати Хитой нисбатан енгиллаштирилган виза тизимини жорий қилиши, Тожикистонда хитойликларга узоқ муддатга ижарага ер беришга келишилганлиги бундай жараён кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Экспертлар фикрича хитойликлар ўзининг “ўрмаловчи” миграцияси орқали дунёнинг 72 давлатида самарали фаолият юритмоқдалар. Аммо бундай ўрмаловчи миграция минтақа манфаатларига зиддир. Негаки, бу минтақада ишсизлар сонини ошишига олиб келади.

Хитой кредитлари минтақа давлатлари қарздорлигини белгиланган нормадан ошиб кетишига олиб келмоқда ва уларнинг Хитойга боғлиқлигини оширмоқда.

Тайваннинг DoubleThink Lab тадқиқот Маркази 2022 йил 8-декабрь куни Хитойдан энг кўп таъсирланган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Кучли учликка Покистон, Камбоджа ва Сингапур кирди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида умумий рейтингда мос равишда 8 ва 9-ўринларни эгаллаган Қирғизистон ва Тожикистон етакчилик қилди. Кейин Қозоғистон

(15-ўрин), Ўзбекистон (24-ўрин) ва Туркменистон (45-ўрин) туради. Марказ маълумотларига кўра, тадқиқот учун маълумотлар 2021-йилнинг мартидан 2022-йилнинг мартигача 82 мамлакатдан тўпланган. Рейтинг нафақат мамлакатларнинг Хитой билан иқтисодий ҳамкорлиги асосида тузилган шу билан бирга ҳарбий соҳадаги алоқалар, мамлакатдаги хитой диаспорасининг катталиги ва бошқа омиллар ҳам ҳисобга олинган. Ёки 2022 йил 7 декабрь куни Карнеги жамғармаси веб-сайтида Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига номинал текин ёрдам орқали таъсири ҳақида батафсил тадқиқот эълон қилинди.

Тадқиқотда айтилишича, Хитой Марказий Осиёда ўз таъсирини кенгайтириб, маҳаллий тузилмалар орқали ҳаракат қилмоқда ва жойларда воқеликка мослашиб, маҳаллий анъаналар, меъёрлар ва амалиётларни мослаштириб, ўзлаштирмоқда. Тадқиқот муаллифининг таъкидлашича, Пекин томонидан фуқаролик ва ҳарбий техникадан тортиб, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар қурилиши ва ХХРда ўқишни ташкил этишгача бўлган расмий равишда бепул ёрдам кўрсатилиши Хитойга Марказий Осиёдаги муносабатларни яхшилашга ёрдам беради.

Хитой ва Марказий Осиё сиёсий маданиятларида ўхшашлик бор. Хитой шахслараро алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор беради. “Хитой ҳукумати томонидан ўтказилаётган лойиҳа ва тренингларда Марказий Осиёдан кўпроқ мансабдор шахслар, ҳарбий хизматчилар, муҳандислар иштирок этадилар. Хитойнинг ушбу стратегияси шахслараро муносабатларга ва уларни совғалар, неъматлар ва зиёфатлар орқали ривожлантиришга катта аҳамият берадиган Марказий Осиё элиталарининг ёндашувларига мос келади. Шу маънода Хитой ўз таъсирини кучайтириш учун бу умумийликлардан фойдаланишни ўрганди”, — дейилади ҳисоботда.

ХУЛОСА

Кейинги пайтларда Хитой ҳамкорликни нафақат кўламини балки, жабҳаларини ҳам кўпайтириб бормоқда. Масалан Хитой минтақа ўртасида ОАВ тизимида ҳамкорлик кучайиб бормоқда. Эътиборлиси бу соҳага кўпроқ Хитой қизиқиш билдирмоқда. Жумладан, “Бизнес Казакстан” кечаю кундуз ишлайдиган мультимедиа ахборот-таҳлилий портали ва Хитойнинг CCTV+ давлат медиа корпорацияси ҳамкорлик меморандумини имзолади. Бундай келишув Пекиннинг Марказий Осиё оммавий ахборот воситаларидан Хитойнинг ижобий имиджини ва “жамоавий Фарб”нинг салбий томонларини тарғиб қилиш, шунингдек, Хитой ташқи сиёсатининг бошқа устувор йўналишларини минтақа аудиториясига тарғиб қилиш бўйича умумий сиёсатининг бир қисми ҳисобланади.

Умуман олганда Хитой ва минтақа ўртасидаги муносабатлар янги босқичга институционаллашув босқичга чиқмоқда. Шу билан бирга бу босқич мавжуд тажрибалар ва кадрлар фониди кечаётганлигини қайд этиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи.
<http://www.prezident.uz/uz/lists/view/1227>.

2. Д.Верхотуров: Китайский фактор и вывод иностранных войск из Афганистана22:32
19.07.2013- <http://www.centrasia.ru/newsA.php?sts1374258720>

3. The Road to 2050//Economist.2012 .July 31.

4. <https://china-index.io>

5. Ҳисобот Гарвард университетининг Девис номидаги Россия ва Евроосиё тадқиқотлари марказининг Марказий Осиё тадқиқотлари дастури директори, Eurasianet.org
Васийлик кенгаши аъзоси Наргис Кассенова томонидан ёзилган.

6. <https://carnegieendowment.org/2022/12/07/how-china-s-foreign-aid-fosters-social-bonds-with-central-asian-ruling-elites-pub-88579>